



Янги давр  
шундай бошланди

15 март соғида ўқинг



Жавоб излаётган саволлар

«Олтин қалам»

Муносиблар олийини муновоқ ҳақиқатини?

17 март соғида ўқинг



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 10 март • шанба • № 30 (4003)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

## АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Душанбе, 9 март. ЎЗА махсус мухбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9 март кuni давлат ташрифи билан Душанбегга келди.

Душанбе халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон билан Тожикистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки халқ азадан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан боғланган. Бизни икки тилда гаплашувчи бир халқ дейишади. Азалий қўшнилик ва ўзаро ҳурмат аънавалари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиляпти.

Сўнгги вақтларда ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар кузатишмоқда. 2016 йилнинг сентябритдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тожикистон раҳбари ўртасида тўрт марта учрашув, самимий ва муҳим телефон мулоқотлари ўтказилди. Президентлар ўзаро алоқаларини икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида биргаликда ишлашга тайёр эканини бир неча мартаба қайд этди.

Жорий йилнинг 10-11 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Душанбе шаҳрида бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда давлатлараро чегараларни делимитация қилиш бўйича Ҳукуматлараро комиссия мажлисида иштирок этди. Ўтган йили мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги авиаташуварлар, темир йўл қатнови қайта тикланди. Самарқанд — Панжикент оралиғида А-377 халқаро автомобиль йўли очилди. Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасида ўтказиш пунктлари ўз ишини тиклади.

2017 йилда Тошкент ва Душанбе шаҳарларида ишбилармон доиралар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, савдо битимлари ва шартномаларни тузишга асос бўлган миллий кўргазмалар ва бизнес-форумлар ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови йўналишлари қайта тикланди. Апрель ойида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиакатнов йўлга қўйилди. 2017 йилда Тожикистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари ва Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Юртимизда тожик миллатига мансуб қарийб 1,5 миллион фуқаро истиқомат қилади. Мамлакатимизнинг 10 ҳудудида тожик миллий маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетларида тожик тилида машғулотлар олиб борилади.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросимида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон шохсулаға кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат махфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дўстона ва конструктив руҳда ўтган суҳбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожланти-

ришда қулатиётган ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодийни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ишларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўзаро шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қатъий азму шижоат намоиши этмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар қўламини кенгайтиб, конструктив сиёсий мулоқот ўрнатилаётди. Олий даражадаги алоқаларни янада кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида 2000 йилда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартномада икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Томонлар халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорликни изчил давом эттириб келмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг узок муддатли манфаатларига жавоб берадиган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, ҳавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашда асосий омил бўладиган даражага кўтарилмоқда.

Учрашувда Тожикистон томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» ва «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияларини, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенциясини

ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватла-нишини билдирди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда ҳамкорликнинг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Музокарада узок муддатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва ҳамкорликнинг барча йўналишларидаги мавжуд юксак салоҳиятни имкон қадар тўла рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2017 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион долларни ташкил этди. Бу охириги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ўзаро товар етказиб бериш ҳажми, хизматларини ҳисобга олмаганда, кейинги икки йилда 10 мартадан ортиқ кўпайди. Бунда транспорт воситалари ва хизматлари, тўқимачилик ва пластмасса маҳсулотлари, маиший техника воситалари асосий ўринни эгаллади.

Бутунги кунда мамлакатимизда тожикистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 25 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш мақсадида Душанбе ва Тошкентда қўшма бизнес-форумлар ўтказиш яхши аънағана айланди. Икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида «Тожикистон — Ўзбекистон» ишбилармонлар кенгаши тузилиб, ташриф доирасида унинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Томонлар енгил саноат, озик-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кишлоқ ҳўжалиги, мевасабзавотни қайта ишлаш, транзит учун қулай шароитлар яратиш, минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби соҳаларда атрафчилик фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми имкониятлар даражасида эмаслиги эътироф этилиб, икки томонлама товар айланмаси ҳажмини 500 миллион долларга етказиш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

2»

КҲН  
НАФАСИ

Ўзбекистон Президенти томонидан «Айрим давлат органлари фаолияти тақомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди.

\*\*\*

«Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан Амурда, Хўжайли, Чимбой, Қўнғирот, Беруний ва Тахиташ туманларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва бўш турган объектлар негизда кичик саноат зоналари ташкил этилади.

\*\*\*

Ёркин Турсунов Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасининг ижро этилуви директори этиб тайинланди.

Е. Турсунов ушбу лавозимга тайинлангунинга қадар Молия вазирининг ўринбосари лавозимда фаолият юритган.

Хушхабар

Хорижлик дам олувчилар сони 35 фоизга ошди

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармасига қарашли «Умид гулшани санаторийси» МЧЖда бошқарма ҳамда қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларининг раҳбар ва мутасадди вакиллари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.

2»



«СЎҒДИЁНА»  
ўрнида инновацион  
боғ барпо этилади




Самарқанд шаҳрида замонавий инновацион истироҳат боғи ташкил этилмоқда. 6,3 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда картинг клуби, муз ўстида ўчиш бўйича «Муз саройи», сайёҳлар учун замонавий меҳмонхона, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканлар бунёд этилади.

ЎЗА

Муҳокама, мулоҳаза

Яна, афсуски,  
КИНО ҳақида...

«КиноАКАДЕМИЯ» ток-шоусининг галдаги сониини нийоясига етказатиб, бир томошабин аёлга навбат бердим. Очиги, сўз сўрайверганидан шунга мажбур бўлгандим. «Кейин монтажда олиб ташлайман», — деган фикр ўтганида ҳаёлимдан. Бироқ...



3»

Бугуннинг гапи

Оила тўй қилиш  
учун қуриладими?

Хоразмда ўғил ўйлантириш Тошкентда қиз чиқаришдай гап.

Аввало, қалин пули берилади. Урганч шаҳрида қалин пули арзон — бир ярим-икки миллион сўм атрофида. Туманларда бу миқдор беш миллион сўмдан ўн миллион сўмгача. Қиз олий маълумотли, қўлида ҳўнари бор бўлса, «нархи» шунга яраша қимматроқ бўлаверади.



Яқинда урганчлик танишим кишлоқдан келин кидди. Ўн уч миллион сўм қалин пули сўрашибди. Бечора аёл беваалиги, уч фарзандни тарбиялаётгани, икки фарзандини олий ўқув юртида тўлов асосида ўқитаётгани қудатомонни асло қизиктирмаган. Икки ёшнинг бир-бирини қўнгил қўйгани умуман эътиборга олинмаган: «Ҳоҳласанг

шу, хоҳласанг...». Ўғли «шу қиздан бошқасига уйланмайман» деганидан кейин онаизорнинг сўралган пулни беришдан бошқа иложи қолмади. Галдаги масала — келинни қийинтириш. Хоразмда қуёв тараф келин бўлинишга ҳар мавсумга мослаб алоҳида уч-тўрт сидра кийим-кечак олиб беради.

4»



## ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

## АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

41

Музокарада қўшма корхоналар ва савдо уйлари ташкил этиш, ташки савдо инфратузилмалари ва экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, икки томонлама бизнес-форумлар ва саноат маҳсулотлари миллий кўргазмаларини ташкил қилиш учун қулай имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, Душанбе шаҳрида ташкил қилинган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазмаси ва Ўзбекистон — Тожикистон қўшма бизнес-форумига юқори баҳо берилди.

Олий даражадаги учрашувда таъкидланганидек, икки давлатнинг умумий транспорт-коммуникациявий имконияти ва транзит салоҳиятидан тўла фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳамкорлиқни кенгайтириш ва мавжуд автомобиль, темир йўл, ҳаво катнови йўналишларини қайта тиклаш ва янгиларини яратиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама қилишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорлиқни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифалар топширилди. Минтакавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, халқаро муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш, терроризм ва экстремизм ҳамда бошқа турдаги уюшган транснационал жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида давлатлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Очик мулоқот, ўзаро англашув руҳида ўтган музокарада минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш, муаммоларни ҳал этишда умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларга риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, Тожикистон 2018 йилда МДХга раислик қилмоқда. Ҳамдўстликни ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириш, уни таъсирчан музокара майдонига айлантириш механизмларидан самарали фойдаланиш икки давлат учун ҳам манфаатлидир. Ўзбекистон томони Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Антинаркотик марказини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам фикр алмашилди. Қайд этилганидек, илмий муассасалар, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва спорт жамоалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, касаба уюшмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг мамлакат пойтахтидаги «Ёшлиқнинг 50 йиллиги» истироҳат боғи номи «Низомиддин Алишер Навоий» деб қайта

номлаш тўғрисидаги фармойиши икки халқ маданий ҳаётини муҳим воқеа бўлди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томонининг Самарканд шаҳрида икки халқнинг буюк вакиллари — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ёлдорлик ўрнатгани катта мамнуният билан қабул қилинди. Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг Сергели туманида қурилатган станцияларидан бирига атоқли тожик шоири, Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода номи берилди.

Президентлар ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ўргатишни такомиллаштириш, ўқув ва бадий адабиётлар, даврий ва илмий нашрлар билан алмашув, икки мамлакатнинг мумтоз адабиёт вакиллари ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратди. Таълим ва фан соҳасида ўзаро муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва фанлар академиялари ўртасида ҳамкорлиқни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонга Абдурахмон Жомийнинг сара асарлари жамланб, ўзбек тилида chop этилган «Мухаббат маҳзани» китобини совға қилди.

Олий даражадаги музокарада икки томоннинг ҳам ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, қўшни қўлга бериб, янги марралар сари дадил қадамлар ташлашга тайёр экани намойён этди.

Музокарада яқинида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон — Тожикистон давлат chegarасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, кишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар тўплами мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш учун янги ҳукукий асос яратди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон музокарада ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, мазкур тарихий ташриф манфаатли қилишувларга эришишда муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтаришини таъкидладилар.

— Ушбу тарихий ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа устувор соҳалардаги му-

носабатларини мустаҳкамлашга доир долзарб масалаларни муҳокама қилдик. Эришилган қилишувлар нафақат халқларимиз, балки бутун минтақа учун улкан аҳамиятга эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳридаги «Дўстлик» майдонига ташриф буюрди. Бу ерда сомониёлар давлати асосчиси, миллият озодлиги ва тинчлик рамзи бўлган Исмоил Сомоний хайкали пойига гулчамбар қўйди. Мазкур ёлдорлик тожик халқи учун табаррук маскан ҳисобланади. Сомониёлар давлати ташкил топганининг минг йиллиги муносабати билан бунёд этилган хайкалнинг баландлиги 13 метр бўлиб, қимматли маънавий ёлдорлик саналади.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасига ташрифи доирасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»-миллий маҳсулотлар кўргазмаси очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон ҳамроҳлигида мазкур кўргазмага ташриф буюрди.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасида темир йўл катнови йўлга қўйиш бўйича қилишувга эришилган эди. Давлат раҳбарлари кўргазмага киришдан олдин «Ғалаба — Амузанг — Хошади» темир йўл линиясининг очилиш маросимида иштирок этди. Президентлар поездлар катнови бошлаш тугмасини босди. Икки давлат ўртасида темир йўл катнови расман йўлга қўйилди.

Шундан сўнг давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари кўргазмада намоён бўлган қўйилган маҳсулотлар билан танишди. Кўргазмада автомобилсозлик, кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, қимё, нефть-газ, металлургия, электротехника, енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш ашёлари ҳамда ҳунармандлик намуналари кенг намоён этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан таништириш бораберида, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, Тожикистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига юқори баҳо берди, турлари қўллигини таъкидлади. Қўшма корхоналар ташкил этиш таклифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон — Тожикистон бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Форумда мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилаётган шароит, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, чет эл сармоядорлари учун солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида маълумот берилди. Тожикистон томони ҳам мавжуд иқтисодий имкониятлари тақдимотини ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА



## Касаба уюшмаси ҳудудларда

**Бухоро.** «Инкассация хизмати» ДУК Бухоро вилояти бошкармасида жамоа шартномасининг бандларини бажаришда маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан қилинган ишлар ҳамда навбатдаги вазифалар тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида қатор ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Йил давомида 21 та янги «Патриот» русумли инкассация маҳсус машиналари харид қилингани ходимларнинг иш шaroитини янада енгиллаштирди. Шунингдек, бошкарманинг 45 нафар ходимига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 6, 721 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма фаолларини ва пенсия ёшига етганларни рағбатлантириш ҳамда ходимлар саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланмалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг ўқув қуроли сотиб олиши ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратилди.

**Наманган** АСМ ходимлари шаҳар кенгаши тизимидаги ташкилотларда «Соғлом оила» спорт мусобақалари қизгин тарзда ўтказилмоқда. Тармоқ ичида кечган беллашуларда ўғил фарзандилар ўртасида 1-уринни Наманган хизмат кўрсатиш коллежи қимё фани ўқитувчиси Шоҳида Каримова оиласи ҳамда қиз фарзандилар орасида коллежнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Сайфулло Раҳматуллаев оиласи ғолиб деб топилди ва тармоқлараро шаҳар босқичига тавсия этилди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалида «Сен яшашга ҳақсан!» шиори остида бемор болалар ва уларнинг яқинлари иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

Наманган шаҳридаги «Лотос» аёллар маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши, вилоят «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази, шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида даволанувчиларга касаба уюшмаси томонидан қийим-кечак, ўқув қуроли, дори-дармон ва бошқа тиббий воситалари улашилди. Шунингдек, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази қошидаги «Наманган гунчалари» бадий хаваскорлик ансамбли, Наманган шаҳридаги 60-умумтаълим мактаби ўқувчилари ижросидаги концерт дастури бемор болалар қўнглини шод этди.

**Жиззах** вилоятидаги «JIZZAKH TEXTILE» хорижий корхонасида 750 нафар аъзони бирлаштирган бошлангич касаба уюшма ташкилоти томонидан корхонада меҳнат қилаётган аёллар учун спортнинг шахмат, шашка турлари бўйича касаба уюшма кубоги мусобақаси ташкил этилди. Унда 105 нафар хотин-қиз иштирок этиб, улардан саккиз нафари шахмат, ўн олти нафари шашка бўйича финал беллашувида иштирок этишга йўллана олишди.

Мусобақа сўнггида ғолиблар аниқланиб, касаба уюшмаси кубоги ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Қашқадарё.** Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида имзоланган 2018-2019 йилларга мўлжалланган Тармоқ қилишувда вазирлик тизимида ишловчи маҳсус унвонга эга ходимлар учун ҳам қатор имтиёз ва қафолатлар белгиланди.

Унга мувофиқ вилоятда жорий йилнинг январ ойида ички ишлар органларининг маҳсус унвонга эга бўлган ходимлари ҳамда ишчиларини қамраб олган бошлангич касаба уюшма кўмиталари тузилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбир доирасида Мулатуйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят мусикали драма театрида ички ишлар органлари ходимлари учун «Хазина» спектакли ҳамда театр фойесига «Китоблар ярмаркаси» ташкил этилди.

**Қорақалпоғистон Республикасидаги** Қўнғирот минтакавий темир йўл узели унитар корхонаси тасарруфига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари билан бошлангич касаба уюшма кўмиталари раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоа шартномасининг 2017 йил давомидаги ижроси ҳамда 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномасининг қабул қилинишига доир масалалар муҳокама қилинди.

Жамоа шартномасига мувофиқ корхонада касаба уюшма кўмитаси томонидан аъзолар манфаатини ҳимоялаш, ходимлар ва уларнинг яқинларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш ишлари амалга ошириб боришмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, иш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга эришиш борасида иш берувчи билан ҳамкорликда фаолият юритиш кераклиги таъкидланди.

**Сирдарё** вилоятининг Гулистон шаҳрида «Соғлом оила» шиори остидаги оилавий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 34 та жамоа иштирок этди.

Мусобақа натижасига қўра, Ўлмас Алимов ва Абдор Орзикуловнинг оилавий жамоаси 1, Убайдулла Эргашев ҳамда Алишер Маҳкамовлар жамоаси 2, Шухрат Қариев ва Тоҳир Қосимовнинг оилавий жамоаси 3-уринни қўлга қиритишди. Ғолиблар касаба уюшмаларининг эсдалик совға ва дипломи билан тақдирланди.

**Сурхондарё** вилояти кўпrik хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ва бошлангич касаба уюшма ташкилоти томонидан «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ йил давомида самарали меҳнат қилган 150 нафар ходимнинг Самарканд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Саёҳат давомида Имом ал-Бухорий ёлдорлик мажмуаси, Регистон ансамбли, Бибиҳоним мадрасаси, Амир Темур макбараси, Улугбек расадхонаси, Шоҳи-Зинда ва Ҳазрати Хизр каби тарихий обидаларни зиёрат қилишди.

**Тошкент** вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Олмалик шаҳридаги «Олмалик-кон металлургия комбинати» АЖга қарашли спорт мажмуасида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ўтказилди.

Қизгин кечган мусобақа натижасига қўра, Олмалик шаҳридан Масидов оиласи (қиз болали оилалар бўйича) 1, Тошкент туманилик Руфатов оиласи (ўғил болали оилалар бўйича) фахрли ўринга қосовор бўлишди.

Шунингдек, «Энг чаккон оила», «Ғалабага бўлган интилобни юксак оила», «Фол иштирок этган оила» каби номинациялар бўйича ҳам муносиблар эътироф этилди.

Мусобақа ғолиблари ва фол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Ўз мухбирларимиз

## Хорижлик дам олувчилар сони 35 фоизга ошди



41

Унда «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг «Ижтимоий соҳани» ривожлантириш йўналиши мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳияти, тизимдаги санаторий ва дам олиш уйларида малакали хизмат кўрсатиш, сихатгоҳларнинг моддий-техник негизини малакасини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, санаторийларда даволанаётган билан тизимли мулоқотда бўлиш, кўрсатилаётган тиббий ва сервис хизматларини таҳлил қилиб бориш мақсадида даволанувчилар ўртасида мунтазам равишда сўровномалар ўтказилиб, олин-

ган таклифлар асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, санаторийлар атрофида жойлашган маҳалларда истикомат қилади-ган кам таъминланган оилалар ва фуқароларни ташхис қўйиш, амбулатор йўл билан соғлигини тиклаш бўйича рўйхат шакллантирилган. Ушбу рўйхат асосида яқинда 2 нафар эҳтиёжманд фуқаро йўлланма асосида соғлигини яхшилади. 157 нафар фуқаро эса сихатгоҳ хисобидан амбулатор шароитда бепул текширувдан ўтказилди.

Ўтган йили тажриба сифатида биринчи марта 6 та санаторийда жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ички ва ташқи баҳолаш тизими жорий қилинди. Санаторийларда тиббий туризмни янада ривожлантириш бўйича халқаро

кўргазмаларда фаол иштирок этиш ва хорижий сайёҳларни қўлайлаштириш мақсадида ҳодимларимиз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб кетмоқда. Бунинг натижасида МДХ мамлакатларидан санаторийларга даволаниш учун келаётган фуқаролар сони 35 фоизга ошди.

Бутун ҳаётимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун сихатгоҳларда бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Айни пайтда «Косонсой», «Чинобой», «Ситораи Мохи Хоса», «Чортоқ», «Бўстон» санаторийларида «Wi-Fi» алоқаси тизими йўлга қўйилди. Бу даволанувчилар учун яна бир қўлайликдир.

**Абдурахим МУХАММАДИЕВ,**  
Санатор-курортлар бошқармаси масъул ходими

## Матбуот анжумани

Маълумки, маҳсулот ва хизматларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини аниқлаш мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан амалга оширилади. Мазкур идораларнинг синов натижалари қанчалик тўғри ва аниқ ўтказилиши аккредитация орқали таъкидланади. Юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколати Миллий аккредитация органи томонидан белгилаб берилади. Қуни кеча бўлиб ўтган матбуот анжумани аккредитация масалаларига бағишланди.

## Аккредитация — замон талаби

Мамлакатимизда аккредитация фаолияти қонун асосида тартибга солинади. «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги» фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори билан «Ўзбекаккредитация» давлат корхонасига мувофиқликни баҳолаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, мувофиқликни баҳолаш органларининг метрология хизматларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш ҳамда халқаро ва миллий аккредитация органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилган. Бу каби чора-тадбирлар ички бозорни сифатсиз импорт маҳсулотларидан ҳимоялаш билан бирга, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардорлигини таъминлаш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Экспортга йўналтирилаётган маҳсулотлар синовлари натижаси чет давлатларда тан олинмишга эришиш мақсадида хозирга қадар республикамиздаги 22 та мувофиқликни баҳолаш идораси халқаро аккредита-

циядан ўтказилди. Мазкур идоралар томонидан берилган ҳулосалар дунёнинг 89 та давлатида тан олинади.

Хусусан, ўтган давр мобайнида халқаро аккредитация қилинган лабораториялар томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот, электротехника, қурилиш ва енгил саноат маҳсулотларига расмийлаштирилган 312 та синов натижалари Туркия, Латвия, Ҳиндистон, Корея ва МДХ давлатларида тан олинган.

Ҳозирги пайтда агентлик тизимидаги синов лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида ўтган йили 11,2 млрд. сўмлик ускуналар харид қилиниб, 278 та янги халқаро синов методи жорий этилди.

Миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинмиш маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда халқимизни турли сифатсиз ва хавфлиги юқори бўлган импорт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга.

**Нозима УМАРОВА,**  
«Ishonch» мухбири







# Оила тўй қилиш учун қуриладими?

«1 — «Ишонмайсиз, нақ 25 миллион сўмга келишни кийинтирдим. Йиллар давомида йиғиб келган матоларини қудам «урфдан қолган» дея отиб юборди. Бозордаги энг қимматбаҳо кийим-кечақларни кўрсатиб тура-верди», — дея ҳасрат қилади аёл. Узук, зирақ, билагузуқларни ҳам олиб бердим. Ўн беш қариндошига сарпо қилдим. Мебелларини ҳам ўзимиз олдик. Навбат тўйга келди. Икки томон келишиб, битта тўй қилишга кўншмади. Қиз йиғинини алоҳида қилишди. Унинг ҳам харажатларини кўтаришимга тўғри келди. Сарф-харажатлар нақ юз миллион сўмга борди. Бу пулга ўғлимга икки хонали уй олиб берсам бўларди. Шунинг ярмини қарз кўтардим. Хоҳлай-хоҳламай, қудаларимдан тўйдан олдин кўнглим қолди.

Қиз томондагилар «Қудачилик — минг йилчилик», «Қиз томон тўйгача ноз қилади, куёв томон тўйдан сўнг» деган гаплардан анча беҳабар кўринади. Йўқса, «тўйдан кейин кимнинг ахволи нима кечади», деган истиқо-лага боришган бўлишарди.

Дарҳақиқат, бугун тўйларимизни қу-затган киши «Ёшлар оила қуриш учун тўй қилишяптими ё тўй қилиш учун оила қуришяптими?», деган ўйга бориши аниқ. Ай-никса, тўй билан боғлиқ янги-янги маросим-ларнинг кириб келаётгани янада ташвишли. Кейинги пайтларда фотиха тўйларини даб-бали ўтказиш урф бўлмоқда. Одатда номи-дан ҳам ангилашилгандек, қуда томони қиз-никсига тўй маслаҳатини қилишга келадиган маросим ҳозирда тўйхоналарда юздан зиёд аёллар чакрилиб, машҳур санъаткорлар иштирокида ўтказилмоқда. Тўғри, бундай тадбирни расамади билан ўн-ўн беш нафар қариндошини чакриб ўтказиётган оилалар ҳам йўқ эмас. Бироқ улар бармоқ билан са-нарли. Ундан кейин навбат «Қиз йиғини» деб номланган тадбирга келади. Бу тадбир ҳам тўйхоналарда камида 200-300 киши-лик меҳмон иштирокида ўтказилишини хи-собга олсак, бемалол тўй деб аташ мумкин. Бу тўйда фақат куёв қатнашмайди, холос. Қиз йиғини ўтказилган кун келин-куёв тенгқурлари билан алоҳида «банк» ҳам қилишади. Унда камида 50 киши иштирок этади. Энг ёмон тарафи, бу «тўйча» чет эл киноларидаги тўйларни эслатади. Ёш-я-ланг спиртли ичимликларни сипкорганча энг сўнгги урфдаги қўшиқларга жазави-лан рақс тушади. Бу ҳолатни узокдан қу-зат-



ган одам «тунги клуб»га келиб қолган бўл-сам керак», деб ўйлаши табиий. Навбат тўйга келди. Келин чиқишга қизникида, келиншига куёвникида ош қилинади. Бунга ҳам камида 150-200 нафар меҳмон чақири-лади. Кечкурун шу меҳмонларга яна 200-300 одам қўшилиб, тўйхонага никоҳ тўйини ўтказишга борилади. Буларнинг барчаси куёв тарафга арзонга тушмаслигини ҳом-чўт қилиш қийин эмас. Буларга «келин-куёв сайри», келин либослари, хонандаларга тўланадиган маблағлар ҳам қўшилади. «Хо-рижини» «манаман» деган бойлари ҳам ўз-бекка ўхшаб тўй қилмайдилар, деб макта-нишларини тез-тез эшитиб қоламиз.

Тўй қилиш билан бирга тўйга бориш ҳам бир муаммо. Айникса, аёллар учун. Ик-кита тўйга битта қўйлаб қийиш аёл киши учун «уят» саналади, бундан ортик «шар-мандачилик» йўқ. Агар шундай қилишга тўғри келса, уйда катта жанжал чиқади. «Хусн тўйда керак» нақлига амал қилиб, эн-дликда аёллар «ғўзаллик саломи»га кир-масдан тўйга бормайдиган бўлган. Улама сочлар-у сунъий киприклар, бир марталик ти-роқлар ҳам анча пул туради. Урганчилик аёллар тоғора қилишни одат қилишмоқда. Совға-саломлар ҳам қўшиб ҳисобланса, битта тўйга бориш 500 минг сўмга тушади. Ҳар ойда камида учта-тўртта тўйга боришга тўғри келса, ойлиги ўртча бир миллион сўм бўлган кишига тўйга бориш ҳам жабр. Кейинги пайтларда «Келин саломи»ни тўйхонада қилиш урф бўлгандан кейин унга ҳам нимадир олиб бориш лозим бўляпти.

Кўриб турганидек, юртимизда тўйлар

йирик ижтимоий ҳодисага айланган. Бунинг оқибатида тўйхона, ошпазлар, ширинлик ва пишириқлар, сартарошлар, тикувчилар, санъ-аткорлар, суҳандонлар каби хизматлар, авто-машина ва либослар ижарасидан иборат тўй индустрияси барпо бўлган. Икки-уч соатлик тўй учун қанча одам сарсон, қанча маблағ талаб этилади — ҳисоблаган одамнинг ақли шошади. Мана шу меҳнат потенциални ту-ризмни ривожлантириш, маънавиятимизни юксалтиришга сарфласак, давлатимиз қанча-лик ривожланиб кетиши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик.

«Тўй қилман» деб қанчадан-қанча ёшлар, ота-оналар чет элларда сарсон-сар-гардон юрибди. Қурб етмаса ҳам «элдан қам қилмайман» дея қарз-қурз қилиб бўлса ҳам «орзусидаги» тўйни ўтказиши шарт.

— Тўй билан боғлиқ иқтисодий муаммо-лар кишини асабийлаштириши аниқ. Нати-жада уйку бузилиши, зўриқиш, бош оғриги, қон босими ошиши, юрак ишемиқ касал-лиги, невроз ва бошқа касалликлар пайдо бўлади. Қолаверса, ёмай-ичмай пул йиғиш камқонлик, иммун тизимининг пасайиши каби қатор хасталикларни келтириб чиқа-ради, — дейди невропатолог Элбек Болтаев.


«Тўйларга борсам, ҳар доим бошим оғрийди, шу кун деярли ухлай олма-ман». Бу сўзлар кўпчиликка таниш, шундай эмасми?! Бош оғриғига тўйларда мусиканинг жула баланд қўйилиши сабаб бўлади. Тўғри, тўй-тантаналар қуй-қўшиқсиз ўтмайди. Ле-кин нимагадир мусиканинг «ғумбур-ғум-бур»идан атроф зириллаб, деворлар титра-маса, гўё ҳеч кимнинг қўнгли тўлмайди. Шу

ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: Хўш, фонограмма қўйиб топган пулини қўшиқчи-ларимиз нимага сарфлашяпти? «Қутубхона оча-япти, кичик завод қуриб, одамларни иш билан таъминлашяпти», дея хомтама бўлишга шошил-манг. Улар тўйдан топган пулини чет элларда ўй-наб-қулиб келиш, қимматбаҳо қилишга сарфламоқда. Халқимизнинг йиллар давомида машаққат билан топган пули улар орқали четта чиқиб кетаётгани ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак эмасмикин?

Тўй дастурхонларини айтмайсизми? Қайсидир фильмдаги «Тежаса, бир ойга ҳам етарди» деган сўзларни эсланг. Одатда бир ҳафтада ейиладиган маҳсулот икки соатда паққос туширилади. Ҳа, энди бу ёқда «жаранг-журинг» тўхтамаганидан кейин иштакча очилиб кетади-да... Тўйларда барча столларга спиртли ичимликлар тортилаётгани сабабли аёллар ҳам ичкиликбозликда эрқа-лардан қолнимайди бўлишган.

Тўй тугади. Машмашлар ортада қол-гандек гўё. Аммо оила хуржунини буй-нига олган йиғитнинг қўлида хунари йўқ-лиги, келин бўлмишининг тузукрок оват қилишни билмаслиги, олинган қарзни қай-тариш каби муаммоларни ўйлашнинг хо-зи мавриди эмас. Дабдабали тўйлар ҳам саломатлигимизга, ҳам маънавиятимизга жиддий зиён етказиётганини бир четга су-риб турамиз. Ҳозирча тўй дабдадали ўтса, маҳаллада «дув-дув» гап бўлса бўлди. Ваҳоланки, тўй эгасини қўни-қўшни, қар-индош-уруғ яхши танийди. Дабдабали тўй ўтказгани учун обрўси ошиб кетгани йўқ. Чунки яхши тўйни ҳам, ёмон тўйни ҳам нари борса, бир-икки ҳафта гапириб юришади. Кейин эса у билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Лекин маҳалладаги кексаларни йиғиб, Самарқанд-у Бухорога олиб бориш, мактаб қутубхонасига 10 тагина китоб совға қилиш, ногирон қўшнисининг уйини таъмирлашга қўмаклашиш, сурункали қа-салликдан азизат чекаётган маҳалладашга дори-дармон олиб бериш каби савобли ишларни қилганлар ҳақида эса умр бўйи гапиришди. Нега деганда, яхшилик уну-тилмайди.

Бу ҳақида ўйлаб кўришнинг айна фурсати келди, назаримизда.



Мухаббат ТУРАБОВЕВА  
«Ishonch»

## Табиат синоатлари

Майданак тоғида яшовчи дўстим Абдуназар билан Қайнарбулоққа етиб, отлардан тушдик. Бундан қирқ беш йил илгари кўчки бўлиб, бўзилган қиш-лоқнинг ўрнини бориб кўрдик. Кўчкидан ҳосил бўлган дўнгликка чиқдик. Бўтун қишлоқ ўрни, уй ха-робалари аққол кўриниб турарди. Қишлоқ ўрнида исирик ва янтоқзор пайдо бўлибди.

# ОЛИШУВ

— Томошанинг устидан чиқиб қолдик, — дея беҳос мени туртди жўрам. — Қара, илон ариларга ҳужум қила-япти.

Узунлиги бир ярим метр келадиган чипор илон телпак қатталигидаги уяга таҳдид қи-либ, бири учиб, бири қўнаёт-ган ариларни ямлаб ютаётган эди. Арилар илоннинг бош, қўз милқларидан қачиб, қаршилик кўрсатмоқда. Олишув якунини қутдик. Лаб-луж, қўз милқ-лари заҳардан шишиб кетган илон бўшашиб, гангиб қолди. Бошини қайчаб тўлғонди. Би-роз фурсат ўтиб, ўзини ўнгла-гандай бўлди. Тик туриб яна ариларни юта бошлади. Арилар ёпсасига ҳужумга ўтди. Илон шалпайиб ерга тушди. Изига қайтиб, судрала бошлади. Анча нарироқдаги ўт орасига кириб олди. Бош ва қўзларини суйкаб ишқаланди.

— Шувоқ ўти! — менга ту-шунтирди Абдуназар. — Қа-димда табиқлар бу ўтдан дам-лама тайёрлаб, илон чаккан мол ва одамларни даволашган. Силқитсангиз, аччиқ ва ёқим-сиз, тахир бир хил таратади.

Илон ўтга ўралиб ҳаракат-сиз ётди. Сўнг заҳарнинг таъ-сири қайтди шекилли, тетикла-шиб ари ую томон йўл олди.

Навбатдаги жанг мени ки-зиктираётганди. Илон уя ол-дида тикка бўлганча ариларни ямлаб юта бошлади. Икки то-монлама жанг кескин тус олди. Арилар заҳар билан илон бо-шини жароҳатлайверди. Заҳар таъсири билина бошлади. Илоннинг боши шишиб кетди. Кўп жангчиларини йўқотган бўлса-да, устунлик арилар то-монда эди. Илон тўлғонди, бо-



шини ерга ишқалаб, қулча бў-либ олди. Сўнг ҳаракатга ке-либ қайрилди, шувоқ ўти томон судралди. Суйқалиб, ишқала-ниб, нажоткор ўтини думи би-лан силқитаверди.

Илон яна жонланди. Уя тўғрисида келиб, қаддини рост-лади ва ямлашга киришди. Икки ўртада ҳаёт-мамонт жанги бошланди. Чақаётган ари-ларнинг қўлтиғидан илон-нинг ярим танаси кўринмас эди. Илон эса уяни тутиб тур-ган янтоқни думи билан савал-лайверди. Уя мустаҳкам ёпиш-гани боис янтоқдан узилиб кетмаётганди. Жанг олдинги-ларидай шиддатли давом этди. Охири-оқибат илон мағлуб бў-либ, жон талвасасида тўлғона бошлади. Изига қайтди.

Азоб ва кийинчилик би-лан манзилга етиб олган илон ҳалоскор ўтини топа олмади. Тўлғониб-тўлғониб ҳаракатдан қолди.

Арча ўрмони оралаб Май-данакнинг қатта йўлига етиб олдик. Йўлда кетяпман-у, ўй-хаёлим илон ва арилар ўр-тасида бўлиб ўтган заҳар би-лан олишув тафсилоти билан банд эди.

Турсунбой БОЙМИРОВ  
Қамаши

## Мусобақа



# Беллашув якуни

Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди. Беллашувда 24 та оила вакиллари қатнашди.

Мусобақа қатнашчилари югуриш, акро-батика, тўвини нишонга олиш, чакқон-лик ва мерганлик эстафетаси, арқон тортиш каби шарлар бўйича куч синашди.

Мурасасиз кечган беллашувнинг яку-ний натижасига кўра, Яшнобод туманидан Назаровлар ва Хидировлар ои-ласи 1-ўринни, Шайхонтоҳур туманидан Рустамбековлар ва Бектемир туманидан

Долмирзаевлар оиласи 2-ўринни, Якка-сарой туманидан Тилеббергеновлар ва Са-финлар оиласи 3-ўринни эгаллашди.

— Спортта опшо инсон ҳеч қачон қасал бўлмайди. Шу боис оиламиз билан мунтазам спорт билан шуғулланамиз. Гарчи биринчи-ликни қўлга киритмаган бўлса-да, мусо-бақа баҳона қўлаб дўстлар орттирдик, улар билан яқин дўстлик ришталарини боғладик,

— дейди оиласи 2-ўринга муносиб кўрилган Давронбек Рустамбеков.

Ғолиб оилалар Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кен-гаши томонидан қимматбаҳо совғалар би-лан тақдирланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

## Реклама ва эълонлар



O'ZMILYU BANK

## Ўзмилийбанк Наврўз айёми муносабати билан янги омонатни таклиф этмоқда!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларини Наврўз айёми билан муборакбод этади ва жисмоний шахслар учун миллий валютада янги муддатли омонатни таклиф қилади:

### «НАВРЎЗ» МУДДАТЛИ ОМОНАТИ:

- омонатни сақлаш муддати – 3 ой;
- йиллик фойз ставкаси – 17%;
- бошланғич бадал миқдори – 1 000 000 сўм;
- маблағлар ҳам нақд пул кўринишида, ҳам пластик картдан қабул қилинади;
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ой тўлаб берилади, та-лаб қилиб олинмаган фойзлар капитализация қилинмайди ва та-

лаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказилади;

- омонатга маблағлар қабул қилиш 2018 йил 31 майга қадар амалга оширилади.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб тотири-ганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

Қўшимча маълумотларни Ўзмилийбанкнинг исталган бўлим ва филиалларидан ёки (0 371)

148-00-10 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

[www.nbu.uz](http://www.nbu.uz)

## «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ сизларни 2018 йил 10 апрель куни соат 14:00да бошланғич баҳоси босқича-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган вилояти, Тўрқўлиқ тумани, «Чўстўрлик» МФЙда жойлашган «Наврўз» сўғам бойлашу-чилар уюшмасига тегишли, уюшма биносига қасбалаётган 1988 йилда и.ч., «ЭО-2621 (ЮМЗ-64)» русумли, д/р 638 ВА 50 UZ бў-ган таъмирталб экзокватор — 3 052 612 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Маъмур мук 2018 йил 10 апрель куни сотилгани тақдирда, таъмир қилинган савдор 2018 йил 17, 24 апрел ва 1, 8, 15 май кунлари соат 14:00да ўтказилади. Аукцион савдосига қўйла-ган мук билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабдорлардан ари-залар маъмур эълон матни чоп этилган сандан бошлаб ҳар кун (дан олдин кунлардан ташқари) соат 10:00дан 17:00гача қадар (ту-з)

лик 12:00дан 13:00гача) қўйлаб кўрсатилган манзилда қабул қи-лилади ва 2018 йил 10 апрель куни ўтказилади. Савдо қилинган савдо учун 9 апрель (таъқирой савдор учун мос равишда 2018 йил 16, 23, 30 апрель ва 7, 14 май) кунлари соат 17:00да ўтказилади.

Аукцион савдосига қатнашган учун талабдорлар савдо тап-килотчаси билан тузилган «Закази» пули тўғрисидаги қо-лашувга асосан авторитарторте воситаси билангиче босқич-ини 20 фойзлик ҳам бўлгани миқдордаги заволат пулини «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖНИНГ АНТЕ «Илак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302948717, 2020800030032835001 ҳисоб рақамига қўйлашлари ва қўйлаш ҳужжатларини топширишлари керак: аукцион савдосига қатнашган учун ариза, қорикс шахслар давлат рўйхатидан ўтқа-

зилгилги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шах-слар паспорт нусхаси, закази, пули тўғрисидаги қавомат тўлов ҳужжати, аҳолининг шалқатига, ўрнатилган тартибда расмий-лаштирилган ишюномнома. Иштирок қўйишча ҳисоблар кўр-сати учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзини: Савдо ташкилотчаси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ.

Наманган шаҳри, Оқолик кўчаси, 14-уй (Наманган вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 5-хона), Телефон: (0 369) 227-25-27, 227-25-22. Веб-сайт: [www.autosavdo.uz](http://www.autosavdo.uz), e-mail: [info@autosavdo.uz](mailto:info@autosavdo.uz), Гувоҳнома №: 07183.

Ҳисоблар ливенцияланган

Таалабарингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

## МУАССИС:



2007-йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.

## Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ

### Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Хўққ ва халқро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

[www.Ishonch.uz](http://www.Ishonch.uz) сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

## Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: [xatlar@ishonch-doverie.uz](mailto:xatlar@ishonch-doverie.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзини: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисоб рақами:  
2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ispetka bank» Ўшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОН: 87100

## Хўдудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Жиззах — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-91) 141-27-70  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номини кўрсатиш шарт. Муайялларнинг фирманинг нуктадан назаридан фарқлангани мумкин.

## Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Навбатчи:  
Н. Махамов  
Муҳаррир:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Х. Абдуқалилов  
Босишга топшириш вақти: — 00:40  
Топширилди: — 00:50  
1 14 56  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ,  
Буюртма № — 309.  
36887 нусxada босилди.  
Нашр кўрсатики: 133